

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Тасвирий тарғибот: ФАРОВОН ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Чирчиқ шаҳрида вилоят ҳокимлиги ҳамда "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси ҳамкорлигида Республика кўргазмали семинари ташкил этилди. Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида бажарилиши режалаштирилган устувор вазифаларга бағишланган кўргазмали семинар иштирокчилари ишни вилоятимиздаги улкан бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишишдан бошлашди.

Анжуман

Икки кун давом этган анжуман иштирокчилари вилоятдаги sanoat korxonalari, sport inshootlari, ta'lim va madaniyat maskanlarida бўлдилар. Уларда, айниқса, Урта Чирчиқ туманида жойлашган Ўзбекистон Республикаси Президентининг вилоятдаги Халқ қабулхонаси фаолияти, "Максам Чирчиқ" қўшма корхонасидаги замонавий ишлаб чиқариш жараёнлари, Чирчиқ шаҳридаги Меҳрибонлик уйида тарбияланувчилар учун яратилган шарт-шароитлар, Зангиота зиёратгоҳида амалга оширилган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари катта таассурот қолдирди. Вилоятда ижтимоий ва иқтисодий, сиёсий, маънавий-маърифий соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар билан аҳоли кўргазмали тарғибот воситалари ёрдамида атрофлича таништириб борилаётгани ижобий баҳоланди.

Давоми 2-бетда.



Мансур ХИММАТОВ олган сурат.

Кучли фуқаролик жамияти сари

Азалдан шундай: яхши кунларимизда ҳам, бошимизга бирор ташвиш тушганда ҳам кўни-кўшига таянамиз. Таъбир жоиз бўлса, ёшлар қалбига меҳр-оқибат, аҳиллик, тинчлик, ватанпарварлик каби эзгу тушунчалар маҳаллада сингади.

ҲАММАМИЗ МАҲАЛЛАДА ЯШАЙМИЗ

Этироф этиш кераки, мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазифа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Бунинг натижасида маҳалла ноёб, дунёда ўхшаш бўлмаган тузилмага айланди, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш жараёнида фаол иштирок этиши учун мустақам замин яратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 3 февралдаги "Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, маҳалла институтини аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айлантириш, фуқаролар йиғинларининг муштарак манфаатларини фойда этадиган уюшмага бирлаштириш, фуқароларнинг рўёбга чиқариш, уларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик

жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада ривожлантиришда алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

– Давлатимиз раҳбарининг Фармони фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг фаолиятида янги босқични бошлаб бергани шубҳасиз, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими раиси Ҳақимжон Ҳамидов. – Ушбу ҳужжат билан тасдиқланган комплекс чора-тадбирларда жойларда маҳаллаларни халқнинг чинакам маслакдоши ва кўмакдошига айлантириш, жамиятимизда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибат ва ҳамжиҳатлик муҳитини шакллантиришда, миллий ва умуминсоний қадриятларни асраб-авайлаш ҳамда ривожлантиришдаги аҳамияти ва нуфузини янада ошириш, ёшларни маънавий бой ва жисмонан соғлом қилиб тарбиялаш, уларнинг бандлигини таъминлаш, аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини, кекса авлод вакиллари ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш каби устувор йўналишлар белгилан берилди. Ушбу чора-тадбирларнинг амалга оширилиши фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари зиммасидаги вазифаларни самарали бажариши, уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш ҳамда давлат органлари ва фуқаролик

Давоми 2-бетда.

Мардлар кўриқлайди, Ватанни!

Ўз халқи ва Ватанига ҳамиша содиқ бўлишга қасамёд қабул қилиш – ҳар бир аскар ҳаётидаги энг унутилмас ва ҳаяжонли воқеадир.

ЮРТГА САДОҚАТ ТИМСОЛИ



Ангрэн шаҳрида Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси фуқароларини мuddатли ҳарбий хизматга навбатдаги чақируви ҳамда белгиланган хизмат мuddатларини ўтаб бўлган ҳарбий хизматчиларни Куролли Кучлар резервига бўшатиш тўғрисида"ги Қарорига мувофиқ ташкил этилган қасамёд маросимида кенг жамоатчилик вакиллари, ота-оналар, "Янги Ангрэн" иссиқлик электр станцияси масъул ходимлари ҳамда ҳарбийлар иштирок этди.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимиз Куролли Кучлари тизимида амалга оширилаётган ислохотлар профессионал миллий армиямизни шакллантиришда асосий омил бўлиб хизмат қилмоқда. Ҳарбий қисм ва муассасаларда яратилган шарт-шароитлар, ҳарбийларга берилаётган имконият ва имтиёзлар йиғиларнинг соҳага бўлган қизиқиш ва интилишини янада юксалтирмоқда.

– Ўғлим қисқа вақтда бошланғич ҳарбий кўникмаларга эга бўлиб, бугун командирлари, дўстлари ва кенг жамоатчилик олдида Ватанимизга, халқимиз ва Президентимизга доимо садоқатли бўлишга қасамёд қилганидан чексиз фахр-

ландим, – дейди аскар онаси Замира Бекмуродова. – Ҳарбий қисмда фарзандларимизнинг конституциявий бурчинини аъло даражада ўташи, яшаши, чуқур билим олиши, маънавий ва жисмоний чиниқиши учун барча шарт-шароит яратиб берилганидан мамнун бўлдик. Биз, оналар фарзандларимиз Ватанга садоқат ташкил этилган қасамёд маросимидан, мардлик ва жасорат мактабида тобланаётганидан, мамлакатимиз тинчлиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлашдек шарафли вазифани бажараётганидан ҳамиша гурурланамиз.

Доимо сергак, мард аскар бўлишга аҳд қилган жасур ўғлонлар сафида хоразмлик Оғабек Эргашев ҳам бор.

– Бугун ҳаётимда унутилмас воқеа бўлди, – дейди Оғабек. – Сафдошларим қатори Ватанга садоқат билан хизмат қилиш учун қасамёд қилдим. Юртимиз ооийишталиги, сарҳадларимиз дахлсизлигини сақлаш учун бор куч-ғайратимни сафарбар этаман.

Тадбирда янграган куй-кўшиқлар рақсларга уланди. Бундай маросимлар вилоятимиз ҳудудида жойлашган бошқа ҳарбий қисмларда ҳам тантанали равишда ўтказилмоқда. **Ўз мухбиримиз.**

ЭЛГА ЯРАШГАН ЭЗГУ ҚАДРИЯТ

Халқимиз азал-азалдан байрамларни, кутлуғ кунларни ўзгача тайёргарлик билан қаршилайди. Аввало, кўча ва гузарларни, хонадон ва ҳовлиларни тартибга келтириш, умуман, тозалик ва орасталикни бош масала қилиб белгилайди. Кун сайин яқинлашаётган улуг айём – Наврўзи олам арафасида халқимизнинг ана шу эзгу анъанаси умумхалқ ҳашари кўринишида бутун республикада кенг қўламли ўтказилди.

Умумхалқ хайрия ҳашари

Вилоятимизда ҳам умумхалқ хайрия ҳашари кўтаринки кайфиятда, уюшқоқлик билан ўтди. Барча туман ва шаҳарлардаги қишлоқлар, маҳаллалар, ташкилот ва муассасалар бу жараёнда фаол иштирок этди. Ҳашар кунлари худудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан бирга, ногиронлар, ёлғиз қариялар, боқувчисини йўқотган, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг уй-жойлари таъмирлаб берилди.

"Маҳалла" хайрия жамоат фондининг вилоят бўлими маълумотларига кўра, 2 миллион 110 мингга яқин фуқаро иштирок этган умумхалқ ҳашарида қарийб 5 минг гектарга яқин майдонда ободонлаштириш ишлари амалга оширилди. 7 минг 250 тоннадан зиёд чиқинди

қайта ишлашга топширилди.

Шунингдек, "Яхшидан боғ қолади", деган нақлга амал қилган ҳолда вилоятимиз аҳли томонидан ҳашар кунлари 3 миллиондан ортиқ мевали ва манзарали дарахт ва 2 миллиондан ортиқ гул кўчатлари экилди. Бундан ташқари, икки ярим миллиондан ортиқ дарахтга шакл берилиб, оқланди. 2 минг 633 километр узунликдаги ариқ-зовурлар, лотоклар тозаланиб, зиёратгоҳ ва қабристонлар тартибга келтирилди.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга кўмак бериш ва ёлғиз қарияларнинг моддий рағбатлантириш учун 148 миллион сўмга яқин хайрия маблағлари йўналтирилди.

Ҳашар кунлари маҳалаларда 10 дан зиёд



римга совға ҳозирлашни дилмига тугиб юрган эдим, – дейди қибрайлик тадбиркор Шавқиддин Ҳамдамов. – Айни байрам арафасида янги, замонавий маиший хизмат кўрсатиш биномизнинг очилиши орзуларимиз ижобати бўлди.

Бу каби эзгу қадриятларимиз фуқароларимиз орасида меҳр-оқибат туйғулари янада мустаҳкамлашга ҳисса қўшиши билан ҳам қадрлидир. Зеро, одамлар дарди билан яшаш асл инсонийлик мезонидир.

Фарҳод ТОЛИПОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.



ДАРВОЗАСИЗ «БОЗОР»НИНГ АЖАБ САВДОЛАРИ

Ҳар бир нарсга, хусусан, интернетнинг ҳам ўзига хос яратилиш тарихи бор. Кўп маротаба ёзилган бўлса-да, шу ҳақда қисқача тўхталишга қарор қилдик. Маълумотларга кўра, интернет ўтган асрнинг 60-йилларида ҳарбий бўлимлар ўртасида узлуксиз алоқани таъминлаш, махфий маълумотларни тезкор ва хавфсиз узатиш мақсадида ишлаб чиқилган. Кейинчалик бу хизматдан фуқаролик институтлари, бошқача айтганда, оддий юридик ва жисмоний шахслар ҳам фойдаланиши мумкин, деган хулосага келинган.

Маънавият

Ўтган йиллар давомида интернетни бошқариш ва такомиллаштириш бўйича туб ўзгаришлар юз берди. Мультимедиа тизимининг тарқоқ компьютерларини ягона

тармоққа бирлаштиришнинг такомиллашган усули яратилди. World wide web – дунё ўргимчак тўри тарзида ифодаланган бу усул интернетни оммавий ахборот воситасига

айлантирди, ахборот технологиялари, радиоэшиттириш ва телекоммуникация имкониятларини мислсиз кенгайтди. Шу йўсида интернет нафақат маттни,

балки сурат ва расмларни, товуш ва видеотасвирларни ҳам узатишга қодир воситага айланди.

Ундан фойдаланувчилар сони ҳайратланарли даражада ўсиб, узи ҳаётни тасаввур этиш қийин бўлиб қолди.

Турли компьютер, ноутбук ва нетбуқлардан ташқари, мобил телефон орқали тармоққа кириш имкониятлари кенгайгани ва тезлашгани, унга жойлаштирилаётган

2017 йил учун «Тошкент ҳақиқати» ва «Ташкентская правда» газеталарига обуна давом этмоқда!

Хушхабар МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯ ЗАВОДИ ҚУРИЛАДИ

Иқтисодиёт ва sanoat ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда ташқи ҳамкорлик алоқалари муҳим ўрин тутди. "Ангрэн" эркин иқтисодий ҳудуди ва DAL Teknik Makina Tigaret Ve Sanayi Anonim Sirketi компанияси ўртасида имзолаган ҳамфикрлик меморандуми ҳам соҳа ривожига хизмат қилиши шубҳасиз.

Меморандумга кўра, "Ангрэн" эркин иқтисодий ҳудудининг Охангарон sanoat блокида металл конструкциялар ишлаб чиқарувчи завод барпо этилади. Ушбу лойиҳа Ўзбекистонга sanoatда ишлаб чиқарувчи тайёр металл конструкциялар импортини анча камайтиришга имкон беради.

Дастлабки қиймати 10 миллион долларни ташкил этадиган мазкур лойиҳа доирасида қурилиши режалаштирилган заводнинг умумий майдони 6 гектарга яқин. **Феруза ТўРАЕВА.**

Давоми 3-бетда.

Сана

Миллий матбуот марказида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари федерацияси томонидан "Аҳоли билан очик мулоқотни кенгайтириш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимоя қилиниши давлат жамоат ташкилотларининг ўрни" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.

ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚЛАРИ ҲИМОЯДА

15 март - Халқаро истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш куну муносабати билан давлат идоралари ва нодавлат ташкилотлари ҳамкорлигида ўтказилаётган тадбирлар, шунингдек, таълим муассасалари ўртасида ташкил этилган "Мен ёш истеъмолчилан" мавзусидаги кўрик-танловлардан қўзғалган бош мақсад аҳоли, хусусан, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини оширишдир.

Таъкидлаш керакки, бугунги кунда Федерация тизимида фаолият кўрсатаётган 14 та худудий бирлашма, 193 та туман ва шаҳар жамиятлари, шунингдек, маҳалла, корхона, ташкилот ва муассасалардаги 6 миңдан ортиқ таянч гуруҳларида 500 миңдан зиёд аъзо бор. Улар икки истеъмол борзиди сифати паст, одамлар ҳаёти ва соғлиғига зарар келтирадиган маҳсулотларнинг сотилишига йўл қўймаслиги устидан жамоатчилик назоратини олиб бормоқда. Бир сўз билан айтганда, аҳолининг истеъмол маданиятини ошириш, соҳага доир қонунчилик ҳужжатларига амал қилинишини таъминлашга амал.

Федерация томонидан Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йилида алоҳида дастурий режалар ишлаб чиқилган бўлиб, унга мувофиқ ҳар ойнинг иккинчи ўн кунлиги аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқот кунлари этиб белгиланди. Шу билан бир қаторда жамиятнинг худудлардаги ижро этувчи аппаратлари негизда "Истеъмолчи билан мулоқот" ҳуқуқий маслаҳатхонаси ташкил этилди.

Бундан ташқари, Федерациянинг www.istemozol.uz веб-сайти орқали ариза, таклиф ва шикоятлари электрон тарзда қабул қилиш йўлига қўйилди. Мурожаатлар 1091 ишонч телефони орқали ҳам қабул қилинмоқда.

Тадбирда ҳуқуқий маслаҳатхоналар томонидан амалга оширилаётган ишлари янада такомиллаштириш юзасидан танқидий-таҳлилий фикр-мулоҳазалар, таклифлар баён этилди.

Ўз мухбиримиз.

Эндиликда маҳалларга ваколатли тизим сифатида аниқ йўналтирилган асосда аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, худудларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий корхона, касана-чилик ва хунармандчиликни ривожлантиришга кўмаклашиш, ижтимоий инфратузилмани барқарорлаштириш, худудни ободонлаштириш, давлат ва ҳўжалик бошқаруви органлари, банklar, жамоат, нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ҳамкорликда кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, уларни давлат томонидан ижтимоий қўллаб-қувватлаш мақсадларига марказлаштирилган тарзда ажратилган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланилишини таъминлаш, давлат бошқаруви органлари фаолияти устидан жамоатчилик назоратини олиб бориш сингари қатор вазифаларни адо этмоқда. Албатта, бунда ижтимоий адолат, ошқоралик, маҳаллий аҳамиятга молик масалаларни ҳал этишда мустақиллик, жамоатчилик асосида ўзаро ёрдам, ижтимоий шериклик каби тартибларга амал қилиб келинмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг 2016 йил 21 октябрдаги тегили қарорига асосан, Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган "Ариза берувчи - уй қурувчининг фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиялари

МУРОЖААТЛАР БИЛАН ИШЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТИЗИМИ

Юқори Чирчиқ тумани марказида Халқ қабулхонаси иш бошлади. "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак" деган эзгу тамойилнинг амалда қарор топётганига маросимда иштирок этганлар яна бир бор гувоҳ бўлишди.

2017 йил - Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили

Маълумки, Халқ қабулхоналари Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизими"ни тубдан такомиллаштиришга доир чораларни амалга оширишга қўйилган вазифага аҳоли билан тўғридан-тўғри мулоқотни ташкил этиш, жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини тўлақонли ҳимоя қилишдир, - деди қабулхона муди-

ри М. Мирзаев. - Халқ қабулхоналарини мурожаатлар билан ишлашнинг сифат жиҳатидан янги ва самарали тизими, дейиш мумкин. Қабулхонадаги биринчи иш кунининг ўзидаёқ 20 га яқин фуқарони уй-жой билан таъминлаш, доимий ва вақтинчалик рўйхатга қўйиш, коммунал хизматлар масалалари ва фуқаролик йиғинлари тизимидаги муаммолар бўйича ёзма ва оғзаки аризаларни қабул қилинди. Мудирнинг айтишича, аҳолига янада кўпроқ қулайлик яратиш мақсадида сайёр



қабуллар ҳам уюштирилади.

Тинчлик қишлоғида яшовчи 20 га яқин ҳамқишлоқлар худудда фаолият юритаётган шиша заводидан атрофга тарқалаётган заҳарли моддалар таъсирида ичимлик суви йиғилган вақтида мурожаат қилишди. Бу масала бўйича вилоят табиати муҳофаза қилиш қўмитаси ва унинг туман инспекцияси ҳамда санитария-эпидемиология назорати маркази томонидан ўрганишлар бошлаб юборилди.

манлар зали зарур мебель ва техника воситалари билан таъминланди.

Тадбирда вилоят Халқ қабулхонаси мудири Акмал Исабоев иштирок этди.

Хурият ТУРСУНОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Азамат АХМЕДОВ олган сурат.

Тасвирий тарғибот: ФАРОВОН ҲАЁТ КЎЗГУСИ

Кўргазмали семинарнинг назарий қисми Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройида бўлиб ўтди. Йиғилишда сўзга чиққан "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси бошқаруви раиси Исфандиёр Латипов, "Халқ сўзи" ва "Народное слово" гезатлари Бош муҳаррири Ўткир Раҳматов, Республика Байналмилал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси Акмал Саидов ва бошқалар мамлакатимизда узоқни кўзлаб олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар ижтимоий-иқтисодий соҳаларда улкан ютуқлар олиши бўлиши баробарида фуқароларнинг онгу тафаккурида туб бурилиш ясаётганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишини бўйича Ҳаракатлар стратегияси миллий тараққиёт дастури сифатида мақсадли ва жамият ривожини янги босқичга ўтаришга қаратилганлиги билан муҳим аҳамият касб этади. Анжуманда ушбу муҳим ҳужжатда илгари сурилган қоида ва хулосаларни аҳоли орасида кенг тарғиб қилишнинг усуллари ҳамда йўл-йўриқлари белгилаб олинди.

Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, "Тасвирий ойна" ижодий уюшмаси томонидан йилларнинг номланиши мавзусида тасвирий тарғибот воситалари учун тавсиялар тайёрлаш яхши анъанага айланган. Шу мақсадда "Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун" деб номланган қўллан-

ма тайёрланди. Рисолага давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг тури маърузаларида олинган қайтар асос бўлиб хизмат қилган. Шунингдек, китобчадан халқ мақоллари, донишмандларнинг ибратли сўзлари, атоқли шоирларнинг шеърини мисралари, ҳикматли иборалар кенг ўрин олган. Тавсиялардан баннерлар, плакатлар, буклетлар ва бошқа тасвирий тарғибот воситаларини тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Шунингдек, йиғилишда ўтган йили эришилган натижалар танқидий нуқтаи назар билан таҳлил қилинди.

Кўргазмали семинардан жуда кўп янгиликлар олдиқ, у ўзимизнинг истиқболдаги вазифаларимизни белгилаб беришга ҳам хизмат қилди. - дейди уюшманинг Жиззах вилояти бўлими раиси Отабек Эгамқуллов. - Берилган тавсияларнинг электрон шаклда вилоятимиздаги барча ташкилот, идора, муассасаларга, маҳаллаларга юборамиз. Уларнинг умумий ишимизга наф келтириши шубҳасиздир.

Мазкур йирик анжуман уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ҳамда 65 та шаҳар ва туманларда фаолият кўрсатаётган бўлим ва бўлимчалари ходимлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари учун чинкам маънода катта тажриба мактаби вазифасини ўтади.

Эзгулик

Наврўз ўзида яшариш, яшнатиш ва яратувчилик хислатларини намоён этиши билан бирга, меҳроқибат ва эзгулик улашувчи айём ҳамдир.

КЕЛОВЧИГА НАВРЎЗ КЕЛДИ

Пискент туманидаги Келовчи қишлоқ фуқаролар йиғинида "Уч авлод учрашуви" деб номланган тадбир ҳам ана шундай хайрли нијатда ташкил этилди. Шу кун "Гулистон" маҳалласининг замонавий, кўркам залига ўз умрини таълим-тарбияга бахшида этган устозлар, фахрийлар, ёшлар ва худудда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар тақдирланди.

Унда мамлакатимизда эл-юрт тинчлигини сақлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритилди. Сўзга чиққанлар Наврўзнинг ўрни, унинг бебаҳо қадриятларимиз бўлган меҳроқибат, саховат сингари фазилатларга қанот бағишлайдиган маросим-у удумлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Худуддаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан намойиш этилган саҳна кўриношлари, "Нихол" хаваскор ёшлар жамоасининг куй, қўшиқ ва рақслари йиғилганларга баҳорий кайфият, кўтаринки руҳ бағишлади.

Эзгулик

Наврўз ўзида яшариш, яшнатиш ва яратувчилик хислатларини намоён этиши билан бирга, меҳроқибат ва эзгулик улашувчи айём ҳамдир.

КЕЛОВЧИГА НАВРЎЗ КЕЛДИ

Пискент туманидаги Келовчи қишлоқ фуқаролар йиғинида "Уч авлод учрашуви" деб номланган тадбир ҳам ана шундай хайрли нијатда ташкил этилди. Шу кун "Гулистон" маҳалласининг замонавий, кўркам залига ўз умрини таълим-тарбияга бахшида этган устозлар, фахрийлар, ёшлар ва худудда фаолият кўрсатаётган тадбиркорлар тақдирланди.

Унда мамлакатимизда эл-юрт тинчлигини сақлаш, халқимиз фаровонлигини таъминлаш, ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол қилиб тарбиялаш борасида амалга оширилаётган ишлар, тадбиркорларга яратиб берилаётган шарт-шароитлар ҳақида сўз юритилди. Сўзга чиққанлар Наврўзнинг ўрни, унинг бебаҳо қадриятларимиз бўлган меҳроқибат, саховат сингари фазилатларга қанот бағишлайдиган маросим-у удумлари ҳақида фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

Худуддаги умумтаълим мактаблари ўқувчилари томонидан намойиш этилган саҳна кўриношлари, "Нихол" хаваскор ёшлар жамоасининг куй, қўшиқ ва рақслари йиғилганларга баҳорий кайфият, кўтаринки руҳ бағишлади.

ҲАММАМИЗ МАҲАЛЛАДА ЯШАЙМИЗ

асосида 2017-2021 йилларда қишлоқ жойларда янгиланган намунавий лойиҳалар бўйича арзон уй-жойлар қуриш дастурида иштирок этиши тартиби тўғрисидаги низомига мувофиқ, эндиликда фуқароларимиз ўзи эҳтиёжларига кўра, ўзини ўзи бошқариш органлари тавсиялари асосида бундай уй-жойларга эга бўлишлари мумкинлиги юзасидан маҳаллаларга ваколатнинг берилгани уларга билдирилган яна бир катта ишонч ва масъулият бўлди.

ҳашам, маърака маросимларни ихчамлаштиришга доир мавзуларда жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда 3 миң 500 га яқин давра суҳбатлари, учрашувлар ўтказилди, маънавий-маърифий тадбирлар ташкил этилди. Фонд бўлими томони-

дан шаҳар ва туманларда самарали фаолият олиб бораётган ўзини ўзи бошқариш органларида тўп-ланган илгор тажрибаларни оммалаштириш, йиғин ходимларини муносиб рағбатлантириш мақсадида ҳар йили анъанавий тарзда "Энг намунавий фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари" кўриқ-танлови ўтказиб келинмоқда. Унда зиммасига юклатилган вазифаларни адо этаётган, маҳалла аҳлига таянч бўлаётган, элу юрт учун жонбозлик кўрсатаётган фуқаролар йиғинлари раислари голибликни қўлга киритмоқда. Жумладан, ўтган йилда ўтказилган танловнинг вилоят босқичида Зангиота туманидаги Форобий номидаги маҳалла фуқаро-

ОШҚОВОҚ ПОЯСИДА БОДРИНГ

Тошкент Давлат аграр университетининг доцент-ти Салоҳиддин Юнусов ошқовоқ поясида бодринг етиштирмоқда. Унинг таъкидлашича, бодринг қовоқуллилар оиласига мансуб бир йиллик экин бўлиб, уни ўз оилдоши, нисбатан қуроқчиликка ва касаликларга чидамли қовоқ поясига пайвандлаш мумкин.

Янгилик

Олим тажрибасида бодрингнинг "Ўзбекистон-740" намини бир қанча қовоқ навларига пайванд қилиб, ривожланишини синаб кўрган. Оддий усулда етиштирилган бодрингнинг гектардан 20-25 тонна ҳосил олинса, янги нав 35 тоннагача ҳосил бериши мумкин. Қолаверса, у ёзининг иссиқлигига чидамлилик, маънавий таъминлашда узоқ муддатга яхши сақланиши билан аҳамиятлидир.

Хурият МҲМИНОВА.

Пайшанба - жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика кун

КОНДА ИЗФИГАН АКА-УКАЛАР

Инсон ҳаётда ҳалол меҳнат, ҳаракати, тўғрилиги билан ўз ўрнини топади. Умрининг мазмунини ҳам, оиланинг қут-баракасини ҳам, аввало, ҳалолликдан дидир. Зеро, ўғрилиги ва талончилик, ўзганини молига кўз олайтириш, бировнинг ҳақиқига хиёнат эса кишини разолат ботқоғига ботиради.

Хабарингиз борми?

Оилавий тадбиркорлик ҳамда хунармандчилик фаолияти субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш шу соҳага оид қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади. Масалан, вилоятда 1756 оилавий тадбиркор давлат рўйхатидан ўтган бўлиб, шулардан 723 нафари оила бошлиқлари, 1033 нафари оила аъзоларидир.

ТАДБИРКОРГА ДАВЛАТ МАДАДКОР

Оилавий тадбиркорлик субъектлари давлат рўйхатидан ўтказилганда яқка тартибдаги тадбиркорга гувоҳнома берилди. Унда яқка тартибдаги фаолиятнинг оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширилиши, шунингдек, оила аъзолари кўрсатилади.

Оилавий тадбиркорлик бир неча алоҳида объектларда олиб бориладиган қатъий белги-ланган солиқ ҳар бир объект учун тўланади.

Оила аъзоси 15 ёшга тўлгандан сўнг оилавий тадбиркорликка қатна-шиши мумкин. 18 ёшга тўлмаганлар оилавий тадбиркорликда, шунингдек, хунарманднинг шогирди сифатида иш-лашга умумтаълим макта-би, касб-хунар колле-жи ёки академик лицей-да, албатта, ўқиш шарт-и билан қўйилади.

Оилавий тадбиркор-ликда ёки хунармандчи-ликда саломатлиги ва ахлоқ-одобига эъён ет-казиши мумкин бўлган ноқулай меҳнат шаро-итларида 18 ёшга етма-ганлар меҳнатидан фой-даланиш тақиқланади.

Оилавий тадбиркор-лик ёки хунармандчилик фаолиятида қатнашаёт-ган 16 ёшдан 18 ёшга ча- бўлганлар учун иш ҳафтаси 36 соатдан, 15 ёшдан 16 ёшга бўл-ганлар учун эса 24 со-атдан ошмаслиги ло-зим.

Оилавий тадбиркор-лик ҳамда хунармандчи-лик фаолиятини ривож-лантириши мувофиқ-лаштириш ва қўллаб-қувватлаш маҳаллий давлат ҳокимияти ор-ганлари томонидан манфаатдор идоралар, хусусан, Савдо-саноат палатаси ҳамда тижорат банклари билан бирга-ликда тизимли тартиб-да амалга оширилади.

Вазирлар Маҳкамаси-нинг 2009 йил 27 июл-даги қарори билан тас-диқланган "Хунарманд-чилик фаолиятининг асо-сий йўналишлари, хунар-мандлар томони-дан ишлаб чиқа-риладиган буюмлар ва то-варлар (ишлар, хиз-матлар) турлари" рўй-хати янги таҳрирда тас-диқланди, хунармандчи-лик фаолиятининг 34 та тури белгиланди.

Шу билан бирга, дав-латимиз раҳбарининг 2016 йил 27 декабрда-ги "Ўзбекистон Респу-бликасининг 2017 йилги асо-сий макроиктисо-дий кўрсаткичлари про-гнози ва Давлат бюдже-ти параметрлари тўғри-сида"ги Қарорига асо-сан 2017 йилнинг 1 ян-варидан бошлаб хунар-мандчилик қилувчи яқка тартибдаги тадбиркор-лар учун ойига энг кам иш-ҳақининг 0,5-бара-вари миқдоридида қатъий белгиланган солиқ тў-лаш тартиби жорий этилди.

Лобар АЗАМАНОВА, вилоят давлат солиқ бошқармаси ахборот хизмати бош мутахассиси.

ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДА ЗАМОНАВИЙ ТЕХНОЛОГИЯЛАР

Пойтахтимизда бўлиб ўтган навбатдаги матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси масъул ходимлари иштирок этди.

Унда таъкидланганидек, мамлакатимизда пенсия олувчи фуқароларнинг ҳимоя қилиш, уларнинг моддий манфаатдорли-гини ошириш ва ижтимо-ий адолат тамойиллари-ни мустаҳкамлашда 1993 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республика-сининг "Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуни му-ҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Кейинги йилларда пенсия тизимида замонавий технологияларни жорий этиб боришга катта эътибор қаратил-моқда. Хусусан, Пенсия жамғармаси ташаббуси

билан пенсия ва нафақа олувчи фуқароларнинг мобиль алоқа воситала-ри учун "SMS-Pensiya" интерактив хизмати йўлга қўйилиб, тўлов муддатлари бўйича маъ-лумотларни тез ва қулай олиш имконияти яратил-ди.

Йиғилишда республи-камизда пенсия ва нафа-қаларни ўз вақтида ҳамда тўлиқ миқдорларда молия-лаштириш борасида амал-га оширилаётган ишлар ҳақида тўхталиб ўтилди. Анжуман иштирокчил-ри ўзларини қизиқтирган саволларга атрофлича жавоб олдилар.

Нурixon МУҲИТОВА.

Давлат мулкани талон-торож этиши қасд қилганлар қилмишлари-га яраша тегишли жазо олдилар, албатта. Ота-боболаримиз ҳаминша ҳалол риққ топишга даъват этиб, ҳалол ва ҳаромни фарқлаш тўғри-сида насихатлар қилишган. Ҳалол меҳнатдан топилган бир луқманинг қут-баракаси ҳаромдан келадиган ботмондан ортиқдир. Демак, тўғри, пок яшашга одатланган инсон ҳеч вақт кам бўлмайдир. Аксинча, ака-ука Саид ва Турғун Азимовлар син-гари йўл тутганлар, маҳалла-қўй, қавами-қариндош олдиди юзи қора бўлиб, ота-онанининг ҳам қаддини букишади.

Х. БАБАЕВ, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси.

Сир эмас, бугунги кунда тармоқдаги uza.uz, klp.uz, daryo.uz, qalampir.uz, tribuna.uz каби кўплаб ахборот сайтларидан юртимиз ва дунёда бўлаётган янгилик ва ўзгаришлар ҳақида тезкор маълумотларга эга бўлиб бормоқдамиз. Интернет орқали самолётга чипта, ўзга қитъадаги меҳмонхонадан жой буюртириш, хориждаги корхонадан маҳсулот сотиб олиш ҳам мумкин ва ҳоказо.

...Яқинда Зангиота туманидаги "Файз" маҳалласида яшовчи қадрдонимиз – Шарофнинг уйда меҳмон бўлди. Кечки пайт у ўз ноутбукда "Skype" дастури ёрдамида Жанубий Кореядаги укаси Сайфига видео-кўнғироқ қилиб, туғилган куни билан табриклади. Сайфини кўрмаганимга анча бўлганди, тўлишибди.

Ҳа, интернетнинг бу каби оддий ҳолатга айланган имкониятларидан юртимизнинг энг чекка қишлоқларида истиқомат қилаётган аҳоли ҳам кенг фойдаланмоқда.

Танганинг икки томони бор, дейишди. Худди шундай: энди интернетнинг бошқа жиҳати ҳақида сўз юритсак. Тиббиёт ходимларининг айтишича, интернетга ружу кўйган одамнинг кўриш, эшитиш, ҳис қилиш ва бошқа органларига пуртур етади. Хасталик хужур қилганда инсон жисмининг ва руҳий жиҳатдан зўриқадди. Энг ёмони, ихтимой,

Бошланғичи 1-бета.

оилавий ва шахсий ҳаётидаги зиммасига юкланган мажбуриятларни бажаришга масъулиятсизлик билан қарайди.

Хориж оммавий ахборот воситаларидан бирида интернет каршида соатлаб ўтирган боланинг ҳаётдан кўз юмгани ҳақида хабар тарқатилди. Жанжаллашиб

қолган синфдошининг кўксига пичоқ қадаб ўлдирган 15 ёшли ўсмирнинг қилмиши хусусида ёзилган мақолада эса қотил бу ишга тармоқдаги "машхур" компьютер ўйинлари таъсирида қўл ургани айтилган.

Албатта, бу каби аянчли ҳолатлар дунё жамоатчилигини ташвишлантирмоқда. Бу борада тегишли чоралар ҳам кўриляётди. Шунга қарамай, тармоқда ҳамма

бир мисол, кунни кеча пойтахтимизнинг Эркин кўрғонидан 57-автобусга чиққан эдим, ёнимга тахминан 12-15 ёшлар атрофидаги бола ўтирди. Дарҳол қўл

телефонини олиб, интернетга кирди. Кузатишда давом этдим: дастлаб турли янгиликлар билан танишган ўспирин мушталашув ва отишмаларга бой ўйинларни ўйнашга киришди... – Интернетга аниқ мақсад билан кириш керак, – дейди Паркент туманидаги 10-умумтаълим мактабининг

шимиз зарурлигини ҳис қиламан. "Ижтимоий фикр" жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази томонидан яқинда ўтказилган тадқиқотда мамлакатимиздаги 12-16 ёшли ўғил-қизлар иштирок этди. Сўровда қатнашган болаларнинг 43,7 фоизи ўқув адабиётларини мутлоаа

сусан, ўғил-қизларимизни китоб ўқишга қизиқтириш, бу борадаги тарғиботни кучайтириш, унинг янги усул ва воситаларини шакллантиришга хизмат қилиши шубҳасиз.

Таъкидлаш жоиз, жигарбандларимизнинг кўпроки нима билан банд бўлиши, фанларни ўзлаштиришга жиддий эътибор қаратсак ва бу борада тўғри маслаҳат, кўмак бера оласак, улар биз истаган, ўзимиздан кўра билимли ва кучли инсонлар бўлиб воғага етади. Демак, назорат ва таълим-тарбияга кўп нарса боғлиқ.

...Дунё халқларининг ахборот бозори – интернет-да келтириляётган маълумотларнинг ранг-баранг ва кўпلىгидан бош қотади. Уларнинг қай бири тўғрироқ, қай бири нотўғри эканини ажратиб олиш мушкул. Тармоқда миллий менталитетимизга мутлақо ёт мафкура ва дунёқарашни – экстремизм, фахш, гиёвандлик, зўравонлик, терроризм ва шовинизм каби бало-қазололарни фарзандларимиз қалби ва онгига синдиришга уринаётганлар ҳамон учрамоқда. Шундай экан, замонавий ахборот технологиялари, хусусан, интернетдан фойдаланганда унинг салбий таъсири мавжудлигини ҳар доим ёдда тутмоқ даркор. Зеро, хушёрлик – инсонни муваффақиятга элтувчи энг муҳим омиллардан биридир.

Ҳолмурод САЛИМОВ,
"Тошкент ҳақиқати"
муҳбири.

ДАРВОЗАСИЗ «БОЗОР»НИНГ АЖАБ САВДОЛАРИ



информатика фани ўқитувчиси Нухриддин Мирзақодиров. – Агар мақсадиниз бўлмаса, у сизни бошқаради. Албатта, ўз фикр ва мақсади бор одам, у ўқувчи, талаба ёки ўрта ёшли фуқаро бўлиши мумкин, тармоқни ўз йўриғига солади.

Автобусдаги ҳақиқи бола шундайлар қаторига қўшиб бўлмайди. У каби ўғил-қизларимиз, "видео-дахшат"лар зарарлари, чет элдан туриб бошқариладиган ўзбек тилидаги интернет саҳифалари хусусидаги миш-мишлар ҳақида ўйлар эканман, фарзандларимизни тармоқдан тўғри ва самарали фойдаланишини таъминлаш, оқ ва қорани ажраттириш, китоб ўқишга ўргатиш, кўча-кўйда, мактаб ва маҳалла худуди ҳамда уйда назорат қилиш бўйича олиб бориляётган ишларимизни янада кучайтири-

қилиш билан чекланар экан. Ўсмирларнинг ярми (ўғил болалар) кўпроқ тенгдошлари билан суҳбатлашиш, компьютер ўйнашни афзал кўраркан.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг "Китоб маҳсулотларини чоп этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутлоаси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғибот қилиш бўйича комиссия тузиш тўғрисида"ги Фармойиши ижроси доирасида амалга ошириляётган ишлар, аввало, соҳа ривожини, шунингдек, аҳоли, ху-

«УМИД ГУЛШАНИ»ДАН УМИДА БИЛАН...

Фарзанд – умр чироғи. Ҳаёт бола билан ширин, гўзал ва мазмунлидир. Шунинг учун кексаларимиз кўпинча дуога қўл оғанида, ували-жували бўлган, дея тилак билдиради.

Саломат бўлинг

...Нуқуллик Индира Алланиёзова турмушга чиққанидан кейин ўн икки йил фарзанд кутиб яшади. Ўтган вақт мобайнида у умр йўлдоши АЙТМУРОД билан кўплаб шифокор ва табибларга учради, уларнинг маслаҳати билан қайта-қайта даволанди, бироқ натижа бўлмади. Йиллар ўтган сайин умиди сўниб борар, ўртадаги муҳаббатгина ажралишга йўл бермасди.

Ҳаётнинг бундай мушкул синовларини сабр билан енгишга ҳаракат қилган бу икки ёш сўнги илжинч сифатида Қибрай туманидаги "Умид гулшани" санаторийсида даволаниш ниятида йўлга чиқади.

Табиат дорихонаси

Олма йилнинг тўрт фаслида ҳам севиб истеъмол қилинадиган мева сифатида дастурхонларимиздан ўрин олган.

ҲАММА ГАП ПЎСТЛОФИДА

Олма йилнинг тўрт фаслида ҳам севиб истеъмол қилинадиган мева сифатида дастурхонларимиздан ўрин олган.

гоҳда янгича даволаш усулларидан кенг фойдаланилади.

Кейинги йилларда ушбу тиббий муассасада ишчи-хизматчи ва дам олувчиларга қулайлик яратиш, шарт-шароитларни янада яхшилаш мақсадида кенг кўламли қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. "Жумладан", электр энергияси, сув таъминоти, иситиш ва канализация тармоқлари тўлиқ янгиланди. Ёпиқ сув ҳавзаси, ётоқхона, даволаш бўлими жорий таъмирланди. Яқинда қурилиш ишлари якунига етказган 200 ўринли янги тадбирлар зали, ахборот-ресурс маркази, кутубхона, спорт зали ҳамда ошхона ишга туширилади.

Дам олиш максанида бир қатор спорт турлари, жумладан, теннис, шахмат-шашка, волейбол ва футбол билан шуғулланиш имкониятлари мавжуд. Дам олувчиларнинг талаб ва истакларига қараб, концерт ва узрачуловлар, пойтахтимизнинг диққатга сазовор маканларига саёҳатлар ҳам уюштирилмоқда.

Мурод САЛИМ.

Томир тизимини ёшартиради.

Дарвоқе, олма қанча нордон бўлса, демак тарихида С дармондорини шунча кўп. Агар пўсти-ғини мум қолган бўлса, қўлингиз ёрланади, шу сабабли истеъмол қилишдан олдин яхшилаб ювиш зарур. Агар олма хил таратмаса, узок сақланган ва ширанини йўқотган бўлади.

Айтганда, олmani еб бўлиб, оғзингизни сувда яхшилаб қайиш ташлаш. Аёс ҳолда унинг таркибидagi органик кислоталар тиш эмалини емтиради.

Надирбек ТОҲИРОВ тайёрлади.

101 хизмати хабар қилади

Хусусан, вилоят худудида 6 мартдан 12 март кунига қадар қайд этилган 33 та ёнғиннинг 21 таси аҳоли уйларида содир бўлган. Ёнғин сабаблари таҳлил қилинганда, электр симларининг қисқа туташуви, печларни қуриш ва ишлатиш қоидаларининг бу-

зилиши ва оловдан эҳтиётсизлик билан фойдаланиш оқибатида юзага келгани аниқланди.

Ўрматли фуқаролар!

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя қилинг. Зеро, хотир-жамлигимиз ўз қўлимизда эканлигини унутмайлик.

Тошкент вилояти ИИБ ёнғин хавфсизлиги бошқармаси.

Реклама ва эълонлар

"AUTO MEGA TRADE" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

1. Тошкент вилояти, Чиноз тумани СИБ томонидан хатланган, Чиноз тумани "Хур Улка Файз" Ф/Х манзили бўйича сақланаётган: 2016 йил 20 октябрь куниндаги ижро варақасига асосан, бошланғич баҳоси - 140 000 000 сўм, 2011 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами белгиси 31-73 НЕ бўлган, "Класс Доминатор-130" русумли; II. Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳар СИБ томонидан хатланган, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳри, Бўз-су кўчаси, 2-уйда сақланаётган: 2016 йил 10 май куниндаги: СБ-515-сонли суд буйруғига асосан, бошланғич баҳоси - 7 591 637 сўм, 1978 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10/2715AA бўлган, "ГАЗ-52" русумли; III. Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳар СИБ томонидан хатланган, 1. "Насоф" МЧЖ жарима майдонида сақланаётган, 2016 йил 29 сентябрь куниндаги: 12584/16-сонли ижро ҳужжати га асосан, бошланғич баҳоси - 2 205 571,03 сўм, 1978 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами: 10У322GA бўлган, "BA3-21011" русумли; 2. Ангрэн шаҳри 29-сонли автобазада сақланаётган, 2014 йил 6 октябрь куниндаги: 11656/14-сонли ижро ҳужжати га асосан, бошланғич баҳоси - 547 466,42 сўм, 2000 йил ишлаб чиқарилган, давлат рақами 10У264НА бўлган, "М 412 ИЭ" русумли; 3. 2012 йил 5 январь куниндаги: 83/12-сонли ижро ҳужжати га асосан, бошланғич баҳоси - 17 080 429,91 сўм, 1989 йил ишлаб чиқарилган,

Эътибор



Вилоятимизда велоспортни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ушбу спорт тури бўйича Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари орасида вакилларимиз кўпчилигини ташкил этиши ана шу сазй-ҳаракатлар самарасидир.

ВЕЛОСПОРТЧИЛАРИМИЗ МУВАФФАҚИЯТИ

2015 йилнинг январь ойида велоспортни янада ривожлантириш, вакилларимизнинг республика ва халқаро мусобақалардаги иштирокини таъминлаш, уларнинг мадоратини юксалтириш мақсадида Ўзбекистон велосипед спорти Федерациясининг вилоят бўлими ташкил этилди.

Дарҳақиқат, федерация томонидан ишлаб чиқилган дастурий чора-тадбирларга мувофиқ, олиб бориляётган ишлар ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Қисқа фурсатда Олмалик, Чирчиқ шаҳарларида федерациянинг бўлимлари очилди. Бугунги кунда биргина Чирчиқ Олимпия заҳиралари коллежида 32 нафар ёш малакали мутахассислардан ушбу спорт тури бўйича сабоқ олмақда.

Албатта, соҳани ривожлантириш унинг моддий-техник базасини қай даражада таъминланганига боғлиқ. Бу масала ҳам доимий эътиборда. Хусусан, Ўзбекистон велоспорт федерацияси кўмаги ва ҳомийлигида шаҳар ва туманларимиздаги спорт коллежлари ҳамда болалар ва ўсмирлар спорт мактабларида тахсил олаётган ёшлар учун янги велосипедлар туркуми такдим этилди.

Албатта, эътибор самарасиз қолмайди. Бунинг исботини ўтган 2016 йилда вилоятимиз велоспортчилари эришган ютуқлар мисолида аққол кўриш мумкин. Масалан: ўтган йилги мавсум давомида спортчиларимиз Наманган, Фарғона, Навоий ва Самарқандда ўтказилган республика биринчилиги ҳамда Ўзбекистон кубоги мусобақаларида 60 та олтин, 25 та кумуш ҳамда 41 та бронза, жами 126 та медални қўлга киритишга муваффақ бўлди. Бунинг 74 таси спорт мактаблари ва коллежларида тахсил олаётган йигит-қизлар ҳиссасига тўғри келиши, айниқса, қувонарлидир.

Саодатхон МУҲИДИНОВА.

"Best realtor" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибидан ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Бўка тумани СИБ томонидан, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий судининг 12.08.2016 йилдаги 021/16-сонли ижро ҳужжати га асосан, Тошкент вилояти, Бўка тумани, Ч. Жаллолов кўчаси, 34-уй манзилида жойлашган, 3 та яшаш хонасидан иборат, яшаш майдони 48,64 кв.м., хизмат майдони 36,3 кв.м., жами фойдали майдони 84,94 кв.м., маданий ва маънавий қурилишлар сони: 1 та соямон, 1 та ошхона, 1 та омбор, 1 та ҳаммом, 1 та ҳоҷатхонадан иборат, жами қурилишлар майдони 140,21 кв.м., умумий ер майдони 600 кв.м. бўлган уй-жой кўйилмоқда. Бошланғич баҳоси - 92 251 573 сўм.

Аукцион савдоси 2017 йил 18 апрель кунини соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш қулилари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни маъсофадан туриб www.emulk.uz сайти орқали онлайн тарзда топшириш мумкин. Аризалар қабул қилиниши охириги мuddати: 2017 йил 14 апрель кунини соат 18.00 гача.

Савдога қўйилган мулк билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига қикиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжати га ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Best realtor" МЧЖнинг АТБ "Kapitalbank" Тошкент шаҳар филиалидаги кўйилган ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20208000500433601001, МФО 00445, ИНН 303179580.

Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Осие кўчаси, 1-уй. Телефон: (99895) 193-01-11. www.emulk.uz, bestrealtor@inbox.uz. Лицензия RR-0225.

<p>ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА</p> <p>Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ</p>	<p>Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи</p> <p>Ғайрат ШЕРАЛИЕВ</p>	<p>Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.</p> <p>Электрон почта: thaqiqat@mail.ru</p>	<p>Телефонлар:</p> <p>Қабулхона: 233-58-85 (факс) Бош муҳаррир ўринбосари: 233-70-10 Котибият: 233-79-96 Бўлим муҳаррирлари: 233-38-23, 233-48-08 Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59 Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10</p>	<p>Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.</p> <p>Газета «Тошкент ҳақиқати» тахририни компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.</p>	<p>Навбатчи муҳаррир Ҳолмурод САЛИМОВ Назоратчи мусаҳҳиҳ Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДУХҲАЕВ</p>
	<p>Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-8483. Адади 16 083. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.</p>				

Реклама ўрнида

ПАРКЕНТ ХТМФМТ ва ТЭ
бўлими ҳамда таълим ва фан,
маданият ходимлари касаба
уюшмаси туман кенгаши

юртдошларимизни шарқона
Янги йилнинг бошланиш палласи

Наврўзи олам

шодиёнаси билан
самимий табриклайди!
Хайрли ишларингизга
ривож, оилангизга
бахт ва фаровонлик
ёр бўлсин, азизлар!

«PARKENT» МСНҲ

юртимиз аҳлини

Наврўз байрами

билан табриклайди!

Бошланаётган Янги кун
дастурхонимизга қут-барака,
юртимизга янада файз ва
фаровонлик олиб келсин!

«OLMOS

ME'MORI» ХК

ватандошларимизни
яшариш ва янгилашни айёми

Наврўзи олам

билан самимий
муборакбод этади!

«SHODLIK FAYZ BIZNES»

халқимизни миллий ва
ардоқли байрам –

Наврўз
айёми

билан самимий қутлайди!